Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 69 (7209). ● 9 апрель, 1980 йил ◆ ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА БИЛАН ЁНМА-ЁН

ФЕРМА МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Ўзбекистонда чорвачилик тобора кенг ривож топмоқда. Республикада гўшт, сут, тухум етиштириш кўпаймоқда, мол ва паррандалар маҳсулдорлиги ўсмоқда. Тошкент области қишлоқ меҳнатчилари салмоқли ютуқларга эришдилар. 1979 йилги социалистик мусобақа якунларига кўра пойтахт ва Сурхондарё областлари, шунингдек, Қорақалпоғистон КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкент области фермалари ходимларини эришган муваффақиятлари билан қутлади, уларга янги меҳнат зафарлари тилади.

Бугун биз Тошкент чорвадорларининг ишлари ва режалари ҳақида ҳикоя қилмоқдамиз.

Тошкент областидаги Куйбишев номли колхоз сигир соғувчиси Гулюзим Жиянбоева, унинг қизлари Муҳаббат, бошқа шогирдларининг кайфияти кўтаринки эди. Улар меҳмон бўлиб келаётган ўз ҳамкасбларини, Калинин районидаги колхоз ва совхозларининг мутахассислари, раҳбарларини кутишаётганди. Ана шу ерда, фермада район партия комитети бюросининг мажлисини ўтказиш мўлжалланган эди.

— Ҳар ўн беш кунда хўжаликлардан биттасида тўпланиб, чорвадорлар мусобақасини якунлаш, тажриба, янгиликларни ўртоқлашиш, ишни яхшилаш йўлларини излаш бизда анъана бўлиб қолган,— дейди район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров.

Ҳозир райком бюроси фермаларнинг ходимлари диққат-эътиборини билимларни, кўп сут соғиб олиш ва молларни семиртириш маҳоратини чуқурроқ эгаллаш зарурлигига қаратмоқда.

— Тармоқни интенсивлаштириш,— деди ўз сўзида Гулюзим Жиянбоева,— шунчаки зарбдор ишлашнигина эмас, балки барча технологик операцияларга ўйлаб, ҳар томонлама ўлчаб ёндошишни ҳам талаб этади. Ўтган йили мен 25 сигирнинг ҳар биридан 5635 килограммдан сут соғиб олдим. Бу йил эса 6000 килограммлик маррани эгаллаш, ҳар 100 сигирдан 100 тадан бузоқ олишни мўлжаллаб турибман. Чуқур билимга эга бўлмай туриб бу вазифани уддалаш осон эмас...

Яхшиларнинг муваффақияти бошқалар учун нормага айлансин.— Калинин райони партия ташкилотининг куч-ғайрати ана шу мақсадга қаратилган. Масалан, Калинин номли колхозда яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Ана шу хўжаликда яқин-яқинларда ҳам соғин сигирлар кўпдан-кўп эскириб кетган молхоналарда сақланарди. Энди бўлса ўша вайроналар ўрнига замонавий комплекс қурилди. Ҳамма қишлоқлардаги сигирлар мана шу комплексга олиб келинди. Натижаси қандай бўлди? Беш йил мобайнида ўртача йиллик сут соғиб олиш 3485 килограммдан 4327 килограммга кўтарилди, маҳсулот етиштиришга кетадиган меҳнат сарф-ҳаражатлари камайди.

— Ўтган йили мен ҳар бир сигирдан 5139 килограммдан сут соғиб олдим, — деб ҳикоя қилади колхоз сигир соғувчиси Шакар Примова.— Бу йил эса 5,5 минг килограммдан сут соғиб олишни мўлжалламоқдаман. Келажакда эса ўз устозим — «Қорасув» совхозидан Турғуной Сериқбоевага етиб олмоқчиман. У ҳозиргидек 6,5 минг килограммлик маррани эгаллади.

Турғуной Сериқбоева — районнинг энг яхши сигир соғувчиси. У сигирларни машинада соғишни жорий этиш ташаббускори бўлган. Беш йил мобайнида Сериқбоева ялпи сут соғиб олишни уч баравар оширди.

Қорасувликлар тажрибасига таяниб, кўпгина хўжаликлар сутчилик фермалари маҳсулдорлигини анча оширишга муваффақ бўлдилар. Ўтган йили район бўйича ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 3765 килограммга етди.

Чорвачилик Оржоникидзе, Тошкент ва областнинг бошқа районларида ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Сўнгги беш йилликда аввалги беш йилликка нисбатан бу ерда ўртача йиллик тўшт ва сут етиштириш учдан бир баробар ўсди.

Тошкент областида бу тармоқнинг жадал ривожланиши — қонуний ҳол. У Ўзбекистон КП Марказий Комитети ишлаб чиққан ва собитқадамлик билан амалга ошираётган изчил тадбирлар самарасидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлари Совети «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиб, бу соҳада республикага катта ёрдам кўрсатдилар.

Ҳозир қайси хўжаликда бўлсангиз, ҳамма жойда биринчи даражали юмушлар қаторида фермалардаги ишларни тилга олишади. Чорвачиликка эътибор сезиларли даражада ўзгарди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Мусахонов энг аввало ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, коллективларнинг ишига партиявий таъсирнинг кучайиши борасидаги тадбирларни таъкидлаб ўтди.

— Биз колхозлар, совхозларга область ташкилотларининг ёрдами зарурлигини тушунамиз. Бу соҳада кўп иш қилинмоқда. Обком бюросининг ҳар бир аъзоси у ёки бу районга бириктириб қўйилган бўлиб, мунтазам равишда ўша ерга бориб туради, кўндаланг бўлиб қолган масалаларни оператив равишда ҳал қилади. Бюро аъзолари ҳар ойда ўз «оталиқларидаги» фермаларнинг иши қандай бораётганлиги тўғрисида ҳисобот берадилар. Бу — ёрдам бериш ва назорат қилишнинг яхши формасидир.

Область партия комитети ҳузурида шунингдек, чорвачилик, комплекслар, паранда фабрикалари қурилиши бўйича комиссиялар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу комиссиялар программанинг бажарилишини доимий назорат остига олганлар.

Қандай резервлар ишга солинди? «Политотдел» колхозининг бош зоотехниги Ф. Мун биринчи планга селекция ишларини қўяди.

— Ўзингиз ўкум чиқара қолинг,— дейди мутахассис,— ўн беш йил муқаддам, яъни нода маҳаллий зотли сигирлардан ташкил топган пайтда уларнинг ҳар бири йилига 2100—2200 килограммдан сут берарди. Энди эса ҳар бир сигирдан 4635 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Озуқа базаси деярли ўзгармади. Аксинча, ҳозир нода қора-ола зотли моллардан ташкил топган. Мана, наслчилик ишларинима дегани...

Тошкент областида моллар туёғини тиклаш ва нодани янгилаш системаси пухта ишлаб чиқилган. Бир қатор наслчилик хўжаликлари ишлаб турибди. Ҳамма районларда бузоқчилик комплекслари ташкил этилган. Кўрилган тадбирлар нодада наслдор моллар салмоғининг 99 процентга етишига имкон берди. Нода таркиби йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бироқ, ҳали имкониятлар ҳам анчагина. Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда нодадаги молларнинг ярми сигирларга айлантирилган тақдирда ўша ер массивларининг ўзига эга бўлган ҳолда қўшимча равишда ўн минг тонна сут ва ўнлаб тонна гўшт етиштириш мумкин. Албатта, ем-хашак базаси яхшиланган тақдирдагина шундай бўлади.

Озуқа — Тошкент хўжаликларида энг асосий ташвишлардан бири. Деҳқонларнинг куч-ғайрати озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Кейинги беш йил мобайнида масалан, гектар ҳисобига беда пичанининг ўртача йиллик ҳосили аввалги беш йилга нисбатан олганда қарийб учдан бир баробар ортди. Сифат ўзгаришлари ҳам содир бўлди: яқин-яқинларгача кўпчилик колхоз ва совхозларда сенаж нима эканлигини билишмасди, энди бўлса ҳар йили юз минг тонналаб сенаж тайёрлашмоқда. Областда ўт талқони тайёрлайдиган ўриларча агрегатлар ишлаб турибди. Такрорий ва оралиқ экинлар экиш кенг тажриба қилиб кўрилмоқда.

Фермаларнинг меҳнатчилари орқа томондаги ишларни мустаҳкамлаб, тармоқнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун ҳужумга ўтдилар. Ўн йил мобайнида сигирлар маҳсулдорлиги 1935 килограммдан 3320 килограммга, товуқларнинг тухум бериши 134 донадан 176 донага, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 287 килограммдан 410 килограммга етди. Маҳсулот етиштиришга кетадиган меҳнат сарф-ҳаражатлари камайди. Чорвачиликни концентрациялаш, ихтисослаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. 1973 йилдан буён умумий қувват 28 минг бош сигирга мўлжалланган 40 та сутчилик комплекси фойдаланишга топширилди. Буқаларни боқиш бўйича комплекс ҳам ишга туширилди, 12 та хўжаликлараро бўрдоқичилик базаси ишлаб турибди.

Чўчқачилик суръати кўтарилмоқда. Қўйчилик барқарор бўлиб қолди. Унинг маҳсулдорлигини бир маромда ошириб бориш жараёни рўй бермоқда.

Сутчилик ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини шакллантиришнинг характерли хусусиятини таъкидлаб ўтиш керак. Областдаги деярли ҳамма комплекслар фермаларни реконструкция қилиш йўли билан барпо этилган.

Тошкентликларнинг яна бир ибратли тажрибаси ҳақида айтиб ўтиш лозим. Бир қатор районларда анчайин қизиқ бир манзарани кузатиш мумкин. Қишлоқларда ёшу қари отрядларга бирлашиб, эски молхоналарни тозалайдилар, ремонт қиладилар, янгиларини қурадилар. Бу ишда саноат, қурилиш корхоналарининг ишчилари ҳам фаол қатнашадилар.

— Баҳамжиҳат, коллектив бўлиб ишлашдан ибарат қадимий одат — ҳашардан фойдаланяпмиз,— деб изоҳ берди бизга Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов.— Мана бу ерлар ўқир-чўқир, тепаликлардан иборат эди. Энди бўлса йилига 500 минг бройлер берадиган фермалар пайдо бўлди. Ана шу иморатларни қуриш, уларни техника, ускуналар билан жиҳозлаш учун бор-йўғи йигирма беш кун керак бўлди, холос.

Ана шу ҳайрли одат туфайли икки йил мобайнида областда ўндан ортиқ паррандахона қуриб битказилди.

Резервлар... Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Х. Хусанов бундай дейди:

— Бизнинг асосий резервимиз — одамлар. Олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга иложи борича кўпроқ ёшларни тортишга ҳаракат қилмоқдамиз. Яқинда Тошкентда комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ЛКСМ аъзоларини чорвачиликни янада юксалтириш ишига активнок қўшилишга чақирди. 200 киз конференциядан тўппа-тўғри фермаларга ишга йўл олди. Бу ташаббус республиканинг бошқа районларида ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкент фермалари ходимларининг ибратли тажрибаси Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа бир қатор областларда ҳам кенг ёйилмоқда. Ўнинчи беш йиллик бошланғандан буён республика колхоз ва совхозларида гўшт етиштириш 15, сут—32 ва тухум—44 процент ўсди.

Бироқ, чорвадорларга уларнинг шеригидан панд бериб қўймаганларида эди бу соҳадаги ишлар натижаси янада салмоқлироқ бўларди. Масалан, қурувчилар, аралаш озуқа саноати ходимлари, машинасозлар шаънига кўпгина эътирозларни эшитишга тўғри келади. Фермаларнинг меҳнатчилари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида бошланган ишда уларнинг фаол ёрдоқ қатнашувларини кутмоқдалар.

Айни пайтда хўжаликларнинг ўзида ҳам ана шу муҳим тармоқни ривожлантириш резервларидан ҳозирча тўла фойдаланилаётгани йўқ. Молларни яхши семиртирмай гўштга топшириб юбориш ҳоллари рўй бермоқда. Бир катор районларда сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори жуда кам, сигирларнинг қисир қолиши кўп. Ем-хашак тайёрлаш соҳасида ҳам муаммолар талайгина. Кўпчилик колхоз ва совхозлар озуқа етиштиришда жуда орқада қолмоқдалар, замонавий технологияни суст жорий этмоқдалар. Яхши омборхоналар бўлмаганлиги туфайли ем-хашакнинг исрофланишига йўл қўйилмоқда. Камчиликларнинг тугатилиши, резервлардан фойдаланиш чорвачиликни ривожлантиришда янги қадам қўйишга имкон беради.

Е. ГРИГОРЬЕВ,
И. МУҚИМОВ.
(«Правда»нинг махсус мухбирлари).

Ўзбекистон ССР.

(«Правда», 1980 йил, 8 апрель).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Эквадор Компартияси Марказий Комитети Бош секретари Педро Саадни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида меҳмон партиянинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилганлиги туфайли Ўзбекистон ҳаётида юз берган ўзгаришлар билан таништирилди. Барча совет кишилари сингари республика меҳнаткашлари ҳам совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Бу сиёсатнинг асосий принциплари КПСС XXV съезди қарорларида белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида равшан баён этилган.

Ш. Р. Рашидов Педро Саадга Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, республика меҳнаткашларининг шу йилга ва умуман ўнинчи беш йилликка белгиланган планларини муваффақиятли бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини, Улуғ ғалабанинг 35 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқи билан тўлиб-тошганлиги ҳақида гапирди. Республика партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайрати ҳозирги вақтда КПСС XXVI съездига муваффақиятли тайёргарлик кўришга, ўн биринчи беш йилликнинг мустаҳкам иқтисодий пойдеворини яратишга қаратилган.

Эквадор Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ўзбекистонда меҳмондўстлик билан кутиб олингани учун самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими П. И. Николаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов қатнашдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов машҳур Венгер олими, ёзувчи, интернационалист — қурашчи, Венгрия география жамиятининг президенти, кўпгина совет жанговар орденлари кавалери Шандор Радони қабул қилди. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбатда мустаҳкам Совет — Венгрия дўстлиги тўғрисида, совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабасининг сўнмас шон-шуҳрати тўғрисида гапирилди.

(ЎзТАГ).

КОМСОМОЛНИНГ МУҲИМ ИШИ

Ўзбекистоннинг маккажўхоризорлари ёш деҳқонларга бириктириб қўйилган. Самарқанд, Сурхондарё ва Бухоро областларининг маккажўхорикорлари ҳар йили юқори ва барқарор ҳосил олмоқдалар. Ўтган йили маккажўхорининг ялпи ҳосили биринчи марта бир миллион тоннадан ортди. Ўртача ҳосилдорлик эса гектаридан 70 центнерга етди. 340 та комсомол-ёшлар бригадалари 100 центнердан ортиқ маррадан ўзиб кетдилар. Ёш деҳқонлар Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ёш маккажўхорикорларининг 1973 йилги кенгашига йўллаган табрикномасида айтиб ўтилган тавсияларига асосан шуларни амал қилдилар.

8 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг пленумида комсомол-ёшлар бригадаларининг 1979 йилги социалистик мусобақаси якунлари ва республика комсомол ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги июль Пленуми қарорлари асосида маккажўхори етиштиришни янада кўпайтириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Республика комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар комсомол ўзининг бутун куч ва ғайратини ёш маккажўхорикорларнинг меҳнат мусобақаси формаларини янада ривожлантиришга ва такомиллаштиришга қаратиши лозимлигини таъкидладилар. Свердлов районидаги А. Навоий номли колхозидан Чори Эгамов бошлиқ Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозидан Гулбаҳор Нуриллаева, Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Набоат Ҳолмирзаева, Тўракўрғон районидаги «Намуна» колхозидан Валижон Абдуллаев бошлиқ энг яхши маккажўхорикорлик бригадаларининг тажрибаси кенг ёйилиши керак. Бу бригадаларнинг бошлиқлари ўз меҳнатлари учун мамлакат ва республика Ленин комсомоли мукофотларига сазовор бўлдилар. Комсомол ташкилотларининг вазифаси — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик муносабати билан юзага келган ёшларнинг юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини нўлланқувватлашдан, комсомол-ёшлар бригадаларининг ҳар гектар маккажўхори майдонидан 100 центнер ҳосил олиш учун бошланган ҳаракатини кенг авж олдиришдан иборат.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

БАЙРОҚ МУБОРАК

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Олмалиқ химия заводи иккинчи навбатини реконструкция қилишни тезлаштириш учун бинокорлик ва монтаж ташкилотлари коллективларининг 1980 йил февраль ойи социалистик мусобақаси натижаларини кўриб чиқдилар.

Олмалиқ химия заводи иккинчи навбатини реконструкция қилишни тезлаштириш учун мусобақалашаётган бинокорлар ва монтажчилар улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, иш суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги 93-ихтисослашган трестининг Олмалиқ «Промтехмонтаж» бошқармаси коллективи 1980 йил февраль ойи топшириғини муваффақиятли бажарди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Олмалиқ химия заводи иккинчи навбатини реконструкция қилишни тезлаштириш учун социалистик мусобақанинг 1980 йил февраль ойи якунлари бўйича **Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг 93-ихтисослашган трести Олмалиқ «Промтехмонтаж» бошқармаси коллективини ғолиб деб топдилар** (бошқарма бошлиғи Те-Хоям, партия ташкилоти секретари Ким, қурилиш касаба союз комитети раиси Марошкина, комсомол ташкилоти секретари Белпон Ўртоқлар). Бу бошқарма февраль ойи планининг 183,7 процент, ҳар бир ишловчи ҳисобига бажарилган қурилиш иши ҳажмининг 106,2 процент қилиб бажарилишини таъминлаган.

Бу бошқарма коллективига Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ва 500 сўмлик пул мукофоти берилди.



«Партия XXI съезди» колхозим Янгийўл районида биринчилардан бўлиб чигит экишни бошлаб юборди. Бу йил 700 гектар ерга «оқ олтин» уруғи қадалади. Аъзамат механизаторлар экишни беш-етти кун ичида тугаллаш учун астойдил ғайрат кўрсатмоқдалар. Суратда: 3-бригада далаасида чигит экиш пайти.

А. Мальцев фотоси.

ИЛҒОРЛАРГА—ЛЕНИН ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАРИ

Омилкорлик, меҳнатга онгли ва ижодий муносабат — ютуқларни, бойликларни кўпайтиришнинг бош омилидир. Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Колхозга бир неча йилдан буён таниқли пахта устаси, моҳир ва ажойиб ташкилотчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Исматов раислик қилиб келмоқда. Бугунги кунда хўжалик юксалишининг ойдин йўлига чиқиб олган. Ҳар йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гўшт, сут етиштириш план-топшириқлари эмдаси билан бажарилади.

Колхозга Фрунзе колхозни қўшилгач, хўжаликнинг юки янада оғирлашди. Лекин олиб борилган катта ташкилий-агротехник тадбирлар туфайли илгари қолоқ бўлиб келган Фрунзе участкасида ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ортиб, чорва маҳсулдорлиги кўпайиб бормоқда.

Пахтачилик—колхозда етакчи тармоқ. Ўтган йили ҳар гектаридан 37,2 центнердан ҳосил олинди. 5950 тонна ўрнига 5952 тонна «оқ олтин» сотилиб, план 113 процент бажарилди. Колхозда пахтабеда алмашлаб экиш пухта жорий этилаётганлиги, маккажўхори экини учун ҳосилдор ерлар ажратилиб, сифатли парвариш қилинаётганлиги туфайли ем-хашак базаси мустаҳкамланиб, гўшт, сут етиштиришда ҳам ажойиб натижаларга эришилмоқда.

Колхозда 25 та пахтачилик звеноси иш олиб боради. Ана шу звенолардан 13 тасида гектаридан 37—40—43 центнердан ҳосил олинди. Айниқса И. Икромов, Т. Азимжонов, Э. Умаров, Н. Абдазов, Э. Тойбеков ўртоқлар бошлиқ звенолар юқори ҳосил олдилар.

Сут соғувчи Ж. Азҳўжаева рекорд натижани қўлга киритди. У ўз боқимидаги соғин сигирлардан ўтган йили 6266 килограмм сут соғиб топширди. Г. Жалилова, Қ. Чинжигитова каби сут соғувчилар меҳнати ғоят қувончли бўлди.

Хўжалик меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига бағишланган социалистик мусобақада актив қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам коллектив ва бир группа илғор колхозчилар Ленин фахрий ёрлиқларига сазовор бўлдилар.

Куни кеча тантанали митинг бўлиб ўтди. Митингда область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов колхозга ва бир группа пешқадам колхозчиларга Ленин фахрий ёрлиқларини топширди.

М. М. Мусахонов «Коммунизм» колхози эришаётган ютуқларни алоҳида қайд қилиш билан бирга резервлар, навбатдаги амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Масалан, 12 та звенода колхознинг умумий кўрсаткичидан паст, яъни 29—30—35 центнердан ҳосил олинмоқда. Эркин Тойбеков бригадаси 69 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олгани ҳолда ер, сув, техника имкониятлари бир хил бўлган у билан қўшни Қ. Ниёзалиев звеносида ҳосилдорлик 28 центнерни ташкил этди. Чорвачиликда ҳам ана шу сингари резервлар йўқ эмас.

Митингда сўзга чиққан колхоз раиси М. Исматов, участка бошлиғи Р. Жалолов, сут соғувчи Қ. Чинжигитова ва бошқалар юксак мукофотга жавобан янада самарали ва унумли меҳнат қилишга аҳд қилганликларини айтдилар. Улар бу йил давлатга кам деганда 6000 тонна пахта, 1000 тонна дон, 40 тонна пилла, 400 тонна сабзавот етказиб бериш учун курашни авж олдириб юбордилар.

ЙИЛГА ТАТИЙДИГАН ДАМЛАР

РЕПОРТАЖ

Кўкламнинг осуда тонги. Бу лаҳзаларда гўё дов-дарахтлардаги куртакларнинг ғалаб очаётганлигини, шабнамга чайилиб янада тиниқлашган майсаларнинг «шивир-шивир»ини эшитаётгандек ҳис этасан ўзингни. Бироқ, бу сокинлик узоқ чўзилмайди. Кўп ўтмай тонг экиннинг қанотларида трактор моторларининг гуриллашини олиб келади. Улар далаларни уйғотади, кишиларни ишга чорлайди. Ҳозир ўзи шундай дамлар: иш кўп ва вақт билан белгиланмайди. Зеро, чигит экиш кетяпти!

Баланд бўйли, кенг ягринли Маҳмуд ака Ҳалимбоев тракторлар овози эшитилаётган дала томон борар экан, туя ўркачларини эслатувчи паст-баланд пайкалларга тез-тез қараб қўяди. Улардаги ўқдек текис эгатлар бу майдонларга уруғ қадаб бўлинганидан далолат беради. Қўшни пайкалда эса колхозчилар уватларни текислашни бошлаб юборишибди. «Тушдан кейин сеялкалардан бирини шу ерга етказса бўларкан», ҳаёлидан ўтказади у.

Бригада бошлиғи пайкал бошига етиб келганида механизатор Қурбон Ҳайруллаев агрегатини чигит экишга тайёрлашни тугаллаётган экан. Бакларга уруғлик чигит, минерал ўғит, ПГС мосламаларига гербицид суюқлиги тўлдирилган экан. Дала бошига бугунга етадиган миқдорда ўғит, уруғлик келтириб қўйилибди.

Механизатор бироздан сўнг агрегатини далага бурди. Бригада бошлиғи экиш агрегати ортида ҳосил бўлаётган текис эгатлардан бир неча қадам юриб, тупроққа тушаётган уруғлик чуқурлигини текшириб кўрди. Ерга уруғ қадаш сифатли ўтказилаётганига қаноат ҳосил қилгач, биринчи звено далалари томон йўл олди.

Бу ерда звено етакчисининг ўзи экиш экипажини бошқарарди. Турсунали Содиқовнинг ишни янада барвақт бошлаганлиги бир гектарча жойга чигит экиб бўлганидан кўриниб турарди. Экиш агрегати бир маромда ишларди.

Шу пайт дала йўлида «Газик» машинаси кўриндн. Ундан колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Мараҳимов тушди.

— Ҳормангларг!

— Саломат бўлинг, —раисга пешвоз чиққан бригада бошлиғи унга чигит экишнинг бориши ҳақида гапириб берди.

— Эллик гектарга чигит экиб бўлинди, денг, — мамнунлик билан деди раис. — Яна икки-уч кун ичида тугаллаб қолар экансиз-да?

— Ётингарчилик бўлмай турса 10 апрелгача тугаллаш ниятидамиз, — деди Маҳмуд ака. — Механизаторларимизга балли. Астойдил ғайрат қилиб, кунига 10—12 гектар майдонга уруғ қадашяпти.

— Ҳа, фурсат ғанимат. Чигитни эрта экиб, бир текис ундириб олсангизлар илк ғалаба сизники.

Мадамин ака бу ерда ишнинг боришидан кўнгли тўлиб, қўшни бригадалар далаларига ҳам ўтди. Мелибой Султонов, Низомали Исомов, Саидаҳмад Охунов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам чигит экиш жадал суръатларда олиб борилярди.

— Ҳозир пахта далаларимизда 12 та экиш агрегати ишлаб турибди, — ҳикоя қилади ранс. — Улар билан кунига 65—70 гектар майдонга уруғ ташланяпти. Ўтган йили «108-Ф» нав чигит экканмиз. Мўл ҳосил етиштириб, районда биринчилар қаторн план ва мажбуриятни адо этдик. Бу йил барча майдонларимизга ана шу нав чигитидан экамиз. Чигит экиш билан бир йўла ҳар гектар ерга 300—350 килограммдан минерал ўғит солиняпти, гербицид пуркалмоқда. Ишни ипатовча усулда ташкил этганмиз. 14 та юк машинаси ва транспорт тракторларида уруғлик, ўғит ва гербицид дала бошига келтирилмоқда. Иккита кўчма устахона ҳам механизаторларимиз хизматида.

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози аъзолари ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилида 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар чигит экишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш — мўл ҳосил асоси эканлигини яхши биладилар. Бунинг учун хўжалик далаларида эрта тонгдан кеч оқшомгача жўшқин меҳнат ҳукм суради. Дала меҳнаткашлари ҳар куни йилга татийдиган дамлардан самарали фойдаланиб, чигит экишни жадал олиб боряпгирлар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.



Тошкентдаги 17-шаҳар клиник касалхонаси коллективи меҳнаткашларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда яхши самараларга эришмоқда. Суратда: юз ва оғиз бўшлиғи хирургияси бўлимининг бошлиғи, мохир шифокор Абдураҳим Пўлатов навбатдаги операция тараддудида.

М. Нурмуҳаммедов фотоси.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Областимиз далаларида қизғин меҳнат бошланиб кетди. Деҳқонлар беш йилликнинг якунловчи йилини меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда интизомлаш учун эрта баҳорданоқ енгни баланд шимарган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Барча жойларда якунловчи йилни ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантириш юзасидан партия чақириғи қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Пахтакор ва соҳибкорларимиз КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва тавсиялар асосида ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Партия, совет, хўжалик органлари мавжуд моддий-техника ва ишчи ресурсларини тўлароқ сафарбар этиб, баҳорнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш, пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги экинларини ўз вақтида, энг қулай муддатларда экиб олиш чораларини кўрмоқдалар. Бу вазифаларни бажаришда дала шийпонлари ишини тўғри ташкил этиш, ишчи кучидан, ҳар бир соатдан рационал фойдаланиш, вақтни иқтисод қилишда маълум роль ўйнайди.

Дала шийпонини ўз табиатига кўра дала агитпункти ва клуби деса ҳам бўлади. Бутун оммавий-сиёсий ишлар бундан буён дала шийпонида ташкил қилинади. Социалистик мусобақага яқун ясалади, лекторлар, сиёсий ахборотчилар, санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилади.

Ҳозирги кунда дала шийпонларини ремонт қилиш, жиҳозлаш, безаш, маданий-маиший шароитлар яратиш ишлари поёнига етаяпти. Шийпонлар мебеллар, идиш-товоқлар, кутубхоналар, радиоприёмниклар, телевизорлар билан жиҳозланмоқда. Партия ташкилотлари бригадаларга бириктирилган агитация кадрлари составини қайта кўриб чиқмоқдалар, дала шийпони мудирлари, агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар тасдиқланмоқда.

Кўпгина районларда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди. Ўрта Чирчиқ районидаги мавжуд шийпонларнинг 120 таси қайта жиҳозланди. Зарур миқдорда мактабгача болалар муассасалари ташкил этилди. Сотувчисиз дўконлар ишга йўлга қўйилмоқда. Дала бошида иссиқ таомлар уюштирилмоқда. Бўка районида эса 140 та дала шийпони тўла ремонтдан чиқарилди. Айниқса «Ленинобод», «Ленинизм», Ҳамза номли колхозлар, «Бўка» совхози каби хўжаликларда шийпонларни ремонт қилиш, жиҳозлаш ишлари намунали ташкил этилган. Партия йиғилишларида дала шийпонларини баҳорги мавсумга тайёрлаш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, маданий-маиший хизматни йўлга қўйиш масалалари алоҳида муҳокамадан ўтказилди.

Экиш ишлари қизғин бораётган шу дамларда дала шийпонлари пахтакорлар билан янада гавжум бўлаяпти. Тушки дам олиш соатларида улар ўртасида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги, Буюк ғалабанинг 35 йиллигига бағишланган суҳбатлар ўтказилмоқда. Суҳбатлар давомида агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар юбилей йилида бригада, хўжалик, район ва область меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги вазифаларини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқдалар. Партия ва ҳукуматимиз қарорларини ҳар бир киши онгига етказишга интилмоқдалар.

Областимиз районларида хўжаликлар кучи билан 169 та янги типовой дала шийпонлари қуриш мўлжалланган. Партия ташкилотлари бригадаларга бириктирилган агитация кадрлари составини қайта кўриб чиқмоқдалар, дала шийпони мудирлари, агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар тасдиқланмоқда.

Кўпгина районларда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди. Ўрта Чирчиқ районидаги мавжуд шийпонларнинг 120 таси қайта жиҳозланди. Зарур миқдорда мактабгача болалар муассасалари ташкил этилди. Сотувчисиз дўконлар ишга йўлга қўйилмоқда. Дала бошида иссиқ таомлар уюштирилмоқда. Бўка районида эса 140 та дала шийпони тўла ремонтдан чиқарилди. Айниқса «Ленинобод», «Ленинизм», Ҳамза номли колхозлар, «Бўка» совхози каби хўжаликларда шийпонларни ремонт қилиш, жиҳозлашга қўл ҳам урилмаган. Бу соҳада Янгийўл, Тошкент, Пискент районлари партия, касаба союз, хўжалик ташкилотларининг активлик кўрсатишлари керак. Янгийўл районидаги 126 та дала шийпонидан 57 таси, яъдигина ремонтдан чиқди холос. Пискент районида эса аҳвол бундан ҳам баттар. Мавжуд 137 та дала шийпонидан 31 таси яъдигина ремонтдан чиқарилди. Ҳалм уларни жиҳозлаш, безаш учун яна қанча вақт талаб этилар экан?!

Оққўрғон районида эса янги дала шийпонлари қуриш ишлари ниҳоятда суст бормоқда. Районда бу йил олтита янги шийпон қуриш мўлжалланган. Лекин бу кам. Районда 195 та далачилик бригадаси мавжуд. Улардан 111 тасида дала шийпони бор холос. Шийпонларнинг 39 таси типовой усулда қурилган. Ҳали кўплаб бригадалар ўз дала шийпонига эга эмас. Жумладан С. Сегизбоев номли совхозда-ги 34 та далачилик бригадасидан атиги 13 тасида дала шийпони бор. Совхозда янги шийпонлар қурилиши устида бош қотирилмаяпти.

Шундай аҳволни ғалаба ва Оҳангарон районларида ҳам кўриш мумкин. Бу жойларда ҳам янги шийпонлар қуриш устида кам қайгурилмоқда. Оталиқ ташкилотлари эса дала шийпонларини қуриш ва жиҳозлаш ишларида хўжаликларга кам ёрдам бермоқдалар.

Бир қатор дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхознинг 6—11-, Навоий номли колхознинг 7-, 9-бригадалари дала шийпонлари ҳувиллаб ётибди. Газета ва журналлар ўз вақтида келтирилмайди. Сиёсий ахборотчилар, лекторлар, медицина ходимлари камдан-кам бўлишади. Чиноз районидаги «Москва», Навоий номли, Киров номли колхозлар дала шийпонлари ремонтдан чиқарилган бўлишига қарамай, ҳали кўргазмали агитация воситалари билан жиҳозланмаган. Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози партия ташкилоти агитатор ва сиёсий ахборотчиларни тасдиқламаган. Кўпгина дала шийпонларини уруглик эгаллаб ётибди.

Бундай нуқсонларни бошқа районларда ҳам учратиш мумкин. Жойларда дала шийпонларига хизмат кўрсатиш графиклари ишлаб чиқилмаган. Савдо ва маиший хизмат ташкил қилинмаган.

Областимиз қишлоқ меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилида юксак марраларни кўзлаб ишламоқдалар. Уларнинг умумий меҳнат қилишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча дала шийпонларини намунали тайёрлаб қўйиш, уларни оммавий сиёсий ишлар марказига, деҳқоннинг иккинчи уйига айлантириш лозим.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ва касаба союзлари область Совети рейд бригадаси.



Пойтахтимизда янги бунёд этилган серҳашам биноларга сайқал бериш да ўзбек ўймакорлик санъатининг моҳир устаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Маҳмуд Усмонов ва унинг шогирдлари катта ҳисса қўшганлар. Суратда: М. Усмонов ўзи яратган девор безаклари қошида.

А. Усмонов ва Р. Шамсуддинов фотолари. (УзТАГ).

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Театр жамияти, республика Актёрлар уйи, санъаткор-ветеранлар Совети ўзаро ҳамкорликда В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигига атаб тантанали кеча ўтказдилар. Кечани СССР халқ артисти, Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси президиумининг раиси З. Муҳаммаджонов очди.

Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси президиуми раисининг биринчи ўринбосари Р. Қориев ва Улуғ Октябрь революцияси ҳамда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 1918 йилдан буён КПСС аъзоси Нишон Ризаев ўртоқлар В. И. Ленин ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бердилар. Сўнгра М. Горький номидаги Академик рус театри актёри СССР халқ артисти М. Ф. Мансуров «Учинчи патетика» спектаклидан парча намойиш қилди. Н. Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг етакчи актёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Толипов В. И. Ленининг «Комсомолларга мурожаати»нинг айрим қисмларидан ўқиб берди.

Кечада иштирок этган Ҳамза номидаги Тошкент Давлат музика билим юртининг студентлари, пойтахтнинг Куйбишев районидаги 426-болалар боғчасининг тарбияланувчилари ҳам В. И. Ленинга бағишланган шеърлардан ўқиб, инқилоб қўшиқларини ижро этишди.

Йиғилиш сўнгида доҳийнинг революцион фаолиятига бағишланган «Владимир Ильич ҳаётининг саҳифалари» номли ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

Доҳий юбилейига аталган кеча тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

А. ОРИПОВ.

КОМСОМОЛ ҲАЁТИ

«КОНЧИ-80» ҲАРАКАТДА

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати қувватини яқин йилларда икки баробарга ўстириш кўзда тутилган. Шу рақамнинг ўзи коллектив олдида қандай улкан вазифалар турганини яққол кўрсатиб турибди.

Жанговар анъаналарга содиқ, комсомол-ёшлар Ватан чақириғига «лаббай» дея ана шу улкан корхона томон отландилар. Область комсомол-ёшларидан иборат «Кончи-80» отряди тузилди.

Ёшлар янги цехларни бунёд этадилар. Янги қувватларни ўзлаштирадилар, уй-жойлар, маданий-маиший биноларни қурадилар.

— Ҳар бир ёш авлоднинг ўз магниткаси, турксиби бор,— дейди Коммунистик районидан келган И. Йўлдошев.— Мен Олмалиқ кон-металлургия комбинати реконструкцияси ҳақидаги хабарни эшитиб, район комсомол комитетига ариза бердим. Қисқа вақт ичида бунёдкорлик касбининг сир-асрорларини ўзлаштирдим. Янги қувватларга асос яратмоқдамиз. Реконструкция ишлари тугагач кончилик касбини эгаллайман. Ҳозир шаҳардаги кон-металлургия техникумига кириб ўқишга тайёргарлик кўраяпман.

Олмалиқ ёшларнинг жасорат майдонига, ҳаёт мактабига айланди. Улар яратувчилик меҳнати билан шуғулланадилар. Янги касб-ҳунар ўрганадилар, ўқийдилар.

Ёшларнинг меҳнат қилишлари, ўқишлари учун барча шароитлар яратилган. «Кончи-80» отряди аъзолари, бу ҳақда тўлиб-тошиб гапиришади. Бўстонлиқ районидан келган Р. Икромов, В. Муродов 345-кўчма механизациялашган колоннада меҳнат қилишяпти. Улар кунлик нормаларини 105—110 процентдан бажаришмоқда. Бўкалик А. Шокарданов 5-қурилиш бошқармасида дурадгорлик қиляпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Алмаликсвинецстрой» қурилиш трести ҳузурида турли касблар бўйича уч ойлик курс очиляпти. Отряднинг кўпгина аъзолари бу курсларга ёзилишмоқда. Комсомол-ёшлар бўш вақтларида турли тўгаракларда қатнашишади. Оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказишда иштирок этишади.

«Кончи-80» отряднинг 150 нафарга яқин аъзоси Олмалиқ кон-металлургия комбинати реконструкцияси ишларида фаол қатнашишяпти. Ватан қудратини оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

●

ЁШ ЧОРВАДОРЛАР МУРОЖААТИ

КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мактуби областимиз чорвадорлари қатори Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози ёш чорвадорларининг мурожаатига қўшилиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш, меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, комплекс механизацияни кенг жорий қилиш ленинчи ёшларнинг шиорига айланган.

АВТОРЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Ижодкор студентларни Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетида кўплаб учратиш мумкин. Улар томонидан бажарилаётган илмий изланиш натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Хўжалик шартномаси бўйича олиб бораётган тадқиқотларга ҳам студентлар жалб қилинаётгани қувончли ҳолдир. «Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси» кафедраси йўли билан бажарилаётган ишларда ижодкор ёшларнинг муносиб улушлари қўшилди.

Кафедра ҳузурида ташкил этилган илмий тўгаракда композициялы полимер материаллари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Ижодкор студентлардан 10 нафарга авторлик гувоҳномаси берилди.

А. АБДУАЛИЕВ.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1979 йилда дон, пахта ва бошқа хил деҳончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавкатли меҳнати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Шорахмедов Бўри — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз тракторчиси.

Шохбозов Осим — Пискент районидаги «Гулистон» колхози сувчиси.

Шоюсупова Муҳаббат Ортиқовна — Бўстонлиқ район «Коммунизм учун» газетасининг бўлим мудири.

Швабихер Эмил Карлович — Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти марказий экспериментал базасининг темирчиси, Оржоникидзе райони.

Шегирбоев Сакен — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли мактаб ўқувчиси.

Шерматова Мамлакат — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз аъзоси.

Шодибекова Муҳаббат — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Шойнисаев Асад — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз тракторчиси.

Шоюсупова Ортиқ — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози ишчиси.

Эгамов Қосим — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз сувчиси.

Эргашев Мустафокул — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз бригада бошлиғи.

Эргашев Ортиқали — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз сувчиси.

Эргашев Сотимбой — Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз шофери.

Эргашева Ожи — Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз ишчиси.

Эргашева Шарипа — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Эрматова Фарида — Оржоникидзе районидаги Р. Мусамуҳамедов номидаги совхоз-завод ишчиси.

Эсалиева Ниёзгул — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Эшматова Турди — Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози ишчиси.

Югай Любовь — Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Югай Павел — Ғалаба районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Йўлдошев Қамбар — Халқ депутатлари Бўстонлиқ район Совети ижроия комитетининг план комиссияси раиси.

Йўлдошева Бахтигул Абдуллажоновна — Оҳангарон районидаги «Ғаллакудуқ» совхоз-саноат комплексининг ишчиси.

Йўлдошева Шоҳида — Пискент район Бош пилла-қуритиш агрономи.

Йўлчибоев Ўткирбой — Тошкент районидаги «Ленинград» совхози шофёри.

Юсупов Муса — Оҳангарон районидаги Х. Олимжон номли колхоз аъзоси.

Юсупов Турсунбой — Ғалаба районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Юсупова Ҳадича — Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Ёқубова Феруза Латифовна — Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институти Тошкент область филиалининг катта техниги, Оржоникидзе райони.

Шерматова Мамлакат — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз аъзоси.

Шодибекова Муҳаббат — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Шойнисаев Асад — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз тракторчиси.

Шоюсупова Ортиқ — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози ишчиси.

Эгамов Қосим — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз сувчиси.

Эргашев Мустафокул — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз бригада бошлиғи.

Эргашев Ортиқали — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз сувчиси.

Эргашев Сотимбой — Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз шофери.

Эргашева Ожи — Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз ишчиси.

Эргашева Шарипа — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Эрматова Фарида — Оржоникидзе районидаги Р. Мусамуҳамедов номидаги совхоз-завод ишчиси.

Эсалиева Ниёзгул — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Богрин Василий Михайлович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси бўлим мудирининг собиқ ўринбосари.

Глинский Борис Савельевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Греков Леонид Иванович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари.

Искандаров Мирзағани — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ бўлим мудири.

Салимов Оқил Умурзоқович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

Сафаров Назир — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Творогин Петр Михайлович — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармасининг бошлиғи.

Ҳакимов Альберт Базихович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Отақўзиев Уйғун — Ўзбекистон ССР халқ шоири.

Давидянц Александр Григорьевич — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» инспекциясининг бошлиғи.

Давлатёров Аяпберган — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Жўрабеков Исмоил Ҳакимович — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри.

Зинин Тимофей Григорьевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Қосимов Рустам Сулаймонович — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССРнинг доимий вакили.

Қўйбоқаров Хушвақт Ражабович — Ўзбекистон ССР тайёрлов министри.

Лясенко Федор Федорович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Маҳмудов Султон Мамаджиевич — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи.

Орлов Георгий Михайлович — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари.

Сафаров Рафаил Рафгатович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»синиг раиси.

Тоиров Қаландар — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Титков Иван Карпович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг бўлим мудири.

Узилевский Абрам Носонович — «Сельская жизнь» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири.

Хмелевский Арсений Николаевич — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бошқармасининг бош эксперти.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Азимов Наримон Мамажоновнч — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети доимий ваколатхонасининг катта референти.

Аткшев Анатолий Васильевич — «Ўзбекистон агитатори» — «Агитатор Узбекистана» журналининг бош редакторн.

Артамонов Николай Власович — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси марказий лабораториясининг мудири.

Безобразова Таисия Николаевна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Ворадов Назир Абдураҳмонович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Жубатов Кобейсин — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Иваненко Наталья Даниловна — В. И. Ленин номидаги «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг илмий секретари.

Иванова Мария Степановна — Ўзбекистон ССР тайёрлов министрлигининг бўлим бошлиғи.

Исомхонов Убайдулла Неомхонович — «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари.

Исломов Шарофитдин Хожикурбонович — Ўзбекистон ССР Госпланининг бўлим бошлиғи.

Крайнов Георгий Алексеевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими.

Ляскало Иван Петрович «Правда Востока» газетасининг бўлим мудири.

Мансуров Юсуф Аҳмедович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си раисининг ўринбосари.

Мирқосимов Мурод Мирхожиевич — Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири.

Мусаев Содиқжон Абдураҳмонович — Ўзбекистон «Ўзбекбирлашув» матлубот жамиятлари союзи Бош бошқармасининг бошлиғи.

Набихўжаев Абдукарим Абдуфаттоҳович — «Совет Ўзбекистони» газетаси рёдакторининг ўринбосари.

Раҳмонқулов Имом — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири.

Рўзметов Раимжон — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг бўлим мудири.

Слепков Евгений Константинович — Ўзбекистон ССР Госпланн бўлим бошлиғининг ўринбосари.

Султонова Лилия Ғайнитдиновна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бўлим группаларининг мудири.

Третьяков Константин Григорьевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири.

Фриккель Эдмунд Иванович — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Ҳамидов Салим — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Шопин Геннадий Яковлевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим инспектори.

Шутко Павел Федорович — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари.

Юсупов Собир — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Ёдгоров Дамир Солиҳович — «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари.

ШИ ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмадалиев Исроил Қосимович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» республика базасининг ишчиси.

Бобоев Маъриф — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» республика базасининг шофери.

Худойберганов Қиличбой Тошқанбоевич — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» республика базасининг электропогрузчик машинисти.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Алижон — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим масъул ташкилотчиси.

Азимов Абдуманнон Абдукаримович — «Узплодоовощвинпром» бирлашмасининг катта инженери.

Олломуродов Шуҳратулла Иноятович — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири.

Алиев Рустам — «Ленин байроғи» газетасининг бўлим мудири.

Орипов Ўлмас — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бўлим бошлиғи.

Воҳидов Самандар Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим инспектори.

Галочкин Анатолий Федорович — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходими.

Жаваков Эдуард Левонович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори.

Зокиров Ўткир Обидович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инспектори.

Клейменова Лидия Дмитриевна — Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари республика комитетининг секретари.

Кравченко Людмила Степановна — Ўзбекистон ССР Госпланн кичик бўлимининг бош мутахассиси.

Лашенов Виталий Яковлевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори.

Мартиненко Алексей Григорьевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Маҳмудова Карима Рустамовна — Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг бўлим мудири.

Нестерова Мария Ивановна — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бўлим катта инспектори.

Осековский Василий Григорьевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири.

Русскин Николай Николаевич — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бўлим мудирининг ўринбосари.

Тиловбердиев Ортиқбой — Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитети бош редакциясининг бош редактори.

Хожиева Гулчира Қудратовна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Хорст Михаил Георгиевич — «Главсредазирсовхозстрой»нинг бўлим бошлиғи.

Юсупов Абдулла — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши бош бошқармасининг бошқарма бошлиғи.

Юсупов Ёқуб — «Узплодоовощвинпром» бирлашмасининг катта инженери.

Яковлев Юрий Тимофеевич — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Султон — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»синиг бўлим бошлиғи.

Азизов Абдулла Азизович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бўлим бошлиғи.

Бобожонова Ҳалима Ҳайдаровна — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлигининг давлат инспектори.

Балаянц Георгий Амаякович — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Бош бошқармаси бўлимининг етакчи экономисти.

Собитов Жасур — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бўлимининг катта агрономи.

Сон Тимофей Сергеевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бош агрономи.

Тўраева Розия Ўроқовна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бош бухгалтери.

Фасенко Игорь Григорьевич — «Главсредазирсовхозстрой» бўлимининг бошлиғи.

Ҳақназаров Болта — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бошлиғи.

Холиқова Ольга Назруллаевна — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг катта инженери.

Цурлаев Александр Григорьевич — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Шамина Татьяна Васильевна — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» лойиҳалаш-конструкторлик-технология бюросининг сектор мудири.

Прокопенко Виктор Павлович — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Расулова Дилшода — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» бошқармасининг катта экономисти.

Рудченко Ранса Ивановна — Ўзбекистон «Ўзбекбирлашув» матлубот жамиятлари союзи Бош бошқармаси бўлимининг етакчи экономисти.

Собитов Жасур — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бўлимининг катта агрономи.

Сон Тимофей Сергеевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бош агрономи.

Тўраева Розия Ўроқовна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бош бухгалтери.

Фасенко Игорь Григорьевич — «Главсредазирсовхозстрой» бўлимининг бошлиғи.

Ҳақназаров Болта — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бошлиғи.

Холиқова Ольга Назруллаевна — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг катта инженери.

Цурлаев Александр Григорьевич — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Шамина Татьяна Васильевна — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» лойиҳалаш-конструкторлик-технология бюросининг сектор мудири.

Липилин Борис Яковлевич — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бошқармасининг катта агрономи.

Литвинов Юрий Емельянович — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» лойиҳалаш конструкторлик-технология бюросининг инженери.

Маҳмудов Зайниддин Мухитдинович — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги информация-ҳисоблаш марказининг директори.

Мирпўлатов Мурод Мирсодиқович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг бўлим референти.

Мирсоатов Пўлат Мирзаевич — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги Давлат инспекциясининг бошлиғи.

Небога Александр Иванович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

Овечкин Борис Николаевич — «Главсредазирсовхозстрой» бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Парфенова Мария Михайловна — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» лойиҳалаш-конструкторлик-технология бюросининг сектор мудири.

Собитов Жасур — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бўлимининг катта агрономи.

Сон Тимофей Сергеевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бош агрономи.

Тўраева Розия Ўроқовна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бош бухгалтери.

Фасенко Игорь Григорьевич — «Главсредазирсовхозстрой» бўлимининг бошлиғи.

Ҳақназаров Болта — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўлимининг бошлиғи.

Холиқова Ольга Назруллаевна — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг катта инженери.

Цурлаев Александр Григорьевич — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Шамина Татьяна Васильевна — Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» лойиҳалаш-конструкторлик-технология бюросининг сектор мудири.

Липилин Борис Яковлевич — «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси бошқармасининг катта инженери.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил, 4 март.

МЕҲНАТ, ТАЖРИБА, САМАРА



● БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАРЧА СОҲАЛАР БЎЙИЧА ТЎРТ ЙИЛДА

● АЛМАШЛАБ ЭКИШ-ЕР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

● ГЕКТАРИДАН 50 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА, 100 ЦЕНТНЕРДАН МАККАЖЎХОРИ ДОНИ. 220 ЦЕНТНЕРДАН БЕДА ПИЧАНИ ОЛИНАДИ

● ҲОСИЛНИНГ 97 ПРОЦЕНТИ «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРДА ТЕРИЛАДИ.

● ҲАР БОШ СИГИРДАН 4800 КИЛОГРАММДАН СУТ СОҒИБ ОЛАМИЗ

● ЧИГИТНИ 6—7 ИШ КУНИДА ТУГАЛЛАЙМИЗ

КОЛХОЗИМИЗ меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб қувончли натижаларга эришмоқдалар. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш планлари ҳар йили оширилиб ado этилмоқда. Бу йиллар ичида ҳосилдорлик ўртача 48 центнерни ташкил этди. Пахта тайёрлаш планлари мунтазам 150 процент қилиб бажарилаётир. Жами ҳосилнинг 96—97 проценти «занғори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олинмоқда. Ўтган тўрт йилнинг ўзидаёқ беш йиллик пландаги 16.073 тонна ўрнига 19.118 тонна пахта тайёрланди.

Эришилаётган ютуқларнинг асосий омиллари нимада?

Келаси йил ҳосили учун кураш далалардаги ҳосил йиғиштириб олинган кунданоқ бошланади. Барча майдонлар ноябрь ойининг охиригача икки ярусли плуг билан ҳайдалади. Ҳайдаш олдидан ҳар гектарга 400 килограмм суперфосфат сепилади. Унумдорлиги пасайиб кетган камқувват ерларга (ўрта ҳисобда 70—80 гектар ерга) шудгорлашдан олдин 40 тоннадан гўнг солинади.

Ҳар йили 30 декабргача барча ички суғориш шахобчаларни тозаланиб бўлинади. Ариқларни чуқур қилиб кавлашга ён-веридаги кераксиз дарахтларни олиб ташлашга, кўп йиллик бегона ўт илдизларини чиқариб ташлашга алоҳида эътибор берилади. Бу ишларни бажариш учун «Белорусь» экскаватори ҳамда 280 киши ажратилади. Эрта баҳорда суғориш олдидан ариқлар қайта тозаланади.

Кўкламги дала ишларига барча турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини юқори сифатли қилиб тайёрлаб қўйиш мақсадида 60 нафар тажрибали механизатор жалб қилинади. Уларга барча шарт-шароит яратиб берилади. Бу тажрибали механизаторлар 12 та ер ҳайдаш трактори, 12 та плуг, 2 та грейдер, 4 та бульдозер, 14 та чопиқ трактори, 17 та юк ташувчи трактор, 16 та сеялка, гербицид сепадиган 16 та мослама, 16 та культиватор, 80 та «ЗИГ-ЗАГ» борона комплектини ремонтдан чиқаришади. Техника ремонти ва тайёргарлигини колхознинг бош инженери, марказий устахона мудири, техника хавфсизлиги бўйича инженер, қишлоқ хўжалик машиналари бўйича механик, халқ контроли группасининг раисидан иборат комиссия текшириб, акт билан қабул қилиб олади. Ҳар бир чопиқ трактorини, асосан, механизатор-звено бошлиғининг ўзи ремонт қилади.

Январь ва февраль ойларида механизаторлар, бригада бошлиқлари ва мутахассисларнинг қишки ўқув-семинарлари ташкил этилади. Бунда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш илғор агротехникаси ўрганилади. Механизаторлар тайёрлаш курсига кўпчилиги ёшлардан иборат 10 киши жўнатилади.

Колхозда 1972 йилдан бери 10 далали, 5 та алмашлаб экиш схемаси тузилган. Ҳар бир алмашлаб экиш далалари ўртача 26 гектарни ташкил қилади. Барча қишлоқ хўжалик экинлари алмашлаб экиш схемаси бўйича жойлаштирилади.

Биз план бўйича 70 гектар ерда шоли етиштирамиз. Алмашлаб экиш схемаси бўйича шоли ҳар йили бошқа далага экилади. Чунки, шоли вильт касалини йўқ қилади, яъни вильтни қўзғатувчи замбуруғлар сувда қирилиб кетади. Ернинг шўри ювилади. Ғўза зараркунандалари, кузги тупламлар ва бошқа ҳашаротлар йўқолади. Дала бир йиллик ҳамда кўп йиллик бегона ўтлардан тозаланади.

1974 йилдан бошлаб чигитни қатор орасини 90 сантиметр кенгликда экиш схемасига ўтилди. Шу усулда уялаб экиш схемаси бизнинг хўжаликда самарали бўлмагач, 1976 йилдан бошлаб 90х7х1 схемани қўлладик. Ҳар бир уяда 2—3 туп ўрнига якка-якка кўчат қолдириб, бир гектарда 120—130 минг туп кўчатни 1 сентябргача сақлаб қолмоқдамиз.

Чигит экиш кўкламги обҳавонинг келишига қараб, март ойининг охирида, апрель ойининг 1 декадасида 6—7 иш кунида тамомланади. Экиш билан бирга гектарига соф ҳолда 20 килограмм азот ва 30 килограмм фосфор ҳамда 1—1,2 килограмм «которан» гербициди солинади.

Ягона ғўзада 1—2 та чинбарг пайдо бўлганда бошланиб, 10—12 иш кунида тугатилади.

Вегетация даврида ғўза икки марта яъни шоналаш даврида ҳар гектар ерга 100—110 килограммдан азот, 50 килограмм калий (соф ҳолда), гуллаш олдидан 80—90 килограмм азот, 450 килограмм фосфор (соф ҳолда) билан озиқлантирилади. Ғўзанинг ривожига қараб 500—600 гектар майдонга махсус агрегат билан гектар ҳисобига 6 тоннадан яхши чиритилган гўнг солинади.

Ғўза биринчи марта эгат оралатиб суғорилади. Иккинчи, учинчи, тўртинчи сув ҳар эгатдан берилади. Охирги марта яна эгат оралатиб суғорилади. Шундай қилиб, бутун ветегация даврида ғўза 4—5 марта сувга қондирилади. Суғориш 25 августгача тугатилади.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

Колхозимизда 1972 йилдан бери ҳашаротга қарши дори сепиш ва дефолиация «ОВХ-14» маркали трактор аппаратларида амалга оширилади. 1979 йилда К. Умаров бошлиқ бешинчи бригадада область ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ёрдами билан кўсак қуртига қарши биологик метод қўлланилиб, яхши натижага эришилди. 1980 йили колхозимиз бўйича шу усулни қўллаш мақсадида биолаборатория ташкил қилишга киришдик.

Чеканкани ғўзанинг ривожига қараб ҳар тўпда 12—14 та ҳосил шоҳи пайдо бўлганидан кейин бошлаймиз. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатдики, бизнинг хўжаликда чеканка 20 июлдан 5 августгача 2 марта ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар экан. Ҳар йили 600 гектар ердаги ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қилаётирмиз.

Бир неча йилдан бери дефолиация ғўзанинг ривожи ва пишиш ҳолатига қараб август ойининг охирида ва сентябрь ойининг бошида бошланиб, 10—12 иш кунида тугатилади. Дефолиация пайтида 5 та «ОВХ-14» трактори ишлайди. 1—2 кун ичида ҳамма бригададан 1—2 та картага дефолиант сепилади.

Дефолиациядан кейин 65—70 процент пахта очилганда жадал ривожланмоқда. Бир неча йилдан буён ҳар бош сигирдан 4,5—4,8 минг килограммдан сут соғиб олмоқдамиз, ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 500 килограммдан ошириб гўштга топширмоқдамиз. Барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планлари ошириб базжарилмоқда.

Бизда 130 гектар эски бедазор бўлиб, ундан гектарига 200 центнердан ошириб беда пичани олинмоқда. Бу йил 67 гектар ерга маккажўхори билан аралаштириб янги беда экдик. Ундан камида 500 центнердан силосбоп кўк масса оламиз.

Колхозимизда келаси йили пахта экиш учун бузиладиган эски бедапоя икки ярим йилдан кейин, яъни учинчи йили иккн ўримдан кейин — июнь ойининг биринчи декадасида ҳайдаб, силос массаси учун маккажўхори экилади. Масалан, 1980 йил кўзда бузиладиган эски бедапоя 70 гектарни ташкил этади. У ерга июндан силос учун экилган маккажўхори 1 октябргача ўриб-йиғиб олиниб, сўнгра ҳайдаб пахта экишга тахт қилиб қўйилади. Шундай қилинганда ҳам чорва учун озуқа кўпаяди, ҳам чигит экиш учун ер тоза бўлиб туради, қийинчилик туғдирмайди.

Беда билан бирга 10 гектар майдонда озуқабоп лавлаги, 30 гектар ерда маккажўхори дони етиштирамиз. Лавлагидан 500 центнердан, маккажўхоридан 100 центнердан дон ҳосил олмоқдамиз. Шу тариқа ҳар йили камида 1,5—2 йилга етадиган озуқа тайёрлаб қўямиз. Озуқаларнинг сифатига, айниқса, хилма-хиллигига ва сервитамин бўлишига алоҳида эътибор берамиз.

Ҳозир колхозимизда 695 та қорамол боқилмоқда. Шундан 180 таси соғин сигирлардир. Сигирлардан ўтган йили ўртача 4780 килограммдан сут соғиб олдик. 180 та қорамол эса бўрдоқига қўйилган. Унинг 108 тасини шу йил январда ўртача 505 килограммдан давлатга топшириб, йиллик планни ошириб ado этдик. Бу йил қўшни хўжаликларга 40 та зотдор гунажин ҳам сотамиз.

Ўтган йили биз чорвадан 316 минг сўм даромад қилдик. Чорвада ишловчи ҳар бир ходимнинг ўртача даромади 2020 сўмга тўғри келди. 4900—5100 килограммдан сут соғиб олаётган Халима Халилова, Хосият Отабоева, Фая Калимулина, Гулсара Йўлчиева кабилар 3—3,5 минг сўмдан ошириб даромад қилмоқдалар.

Умуман, колхозимизда барча соҳалар комплекс ривожланиб бормоқда. Зарар келтирадиган бирорта ҳам тармоқ йўқ. Ўтган йили жами 3,5 миллион сўм даромад қилдик. Унинг сал кам 800 минг сўми колхозчиларга ҳисобот пули сифатида тарқатилди.

Даромаднинг ошиши маданий-маиший мақсадлар учун кўпроқ маблағ ажратиш имконини бермоқда. Колхозимизда кейинги 2—3 йил ичида 784 ўринли типовой мактаб, 5 та кооператив уй, 10 километрдан ортиқ асфальт йўл қурилди. Ишга туширилган типовой чойхона — «Бахт уйи»да дастлабки никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, бу йил 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта, ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони, 70 центнердан шоли, 220 центнердан беда пичани олиш, ҳар бош сигирдан 4800 килограммдан сут соғиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдамиз. Ҳеч шубҳа йўққи, колхозимиз аъзолари ҳар йилгидек, бу йил ҳам зарбдорчасига меҳнат қилиб, ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини барча соҳалар бўйича оширибадо этадилар.

Маҳкам ПУЛАТОВ,
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЁРДАМ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

КОБУЛ, 7 апрель. (ТАСС). Афғонистондан Совет Иттифоқига газ берилаётганлиги ҳусусида Эрон радиосининг ҳар хил уйдирмалар тарқатаётганлиги муносабати билан АДР ҳукумати масъул вакили Бахтар агентлиги мухбири билан суҳбат қилиб, табиий газ конларини қидириш ва ишлаб чиқишда Совет Иттифоқининг Афғонистонга кўрсатаётган ёрдамига юксак баҳо берди. Шу билан бирга АДР ҳукуматининг вакили Афғонистондаги табиий газ совет мутахассисларининг ижтисодий ва техникавий ёрдами билан топилганлигини улар газ қазиб чиқариш ва газ конларини очиш, модернизация қилишда Афғонистонга доимо ёрдам бераётганлигини таъкидлади.

Вакил табиий газнинг Совет Иттифоқига экспорт қилиниши мамлакат даромадининг муҳим қисми эканлигини, газнинг нархи ғарбий Европада қабул қилинган ўртача нарх билан белгиланганлигини уқтириб ўтди.

Шу муносабат билан таъкидлаб ўтиш керакки, деди АДР вакили, Эрон радиосининг СССРга етказиб берилаётган табиий газ нархи «адолатсиз» эканлиги ва бу нарх гўё Совет Иттифоқи фойдасини кўзлаб белгиланганлиги ҳусусидаги эшиттириши мутлақо асоссиз бўлиб, игвогарлик руҳидадир.

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ, 8 апрель. (ТАСС). СССРнинг техникавий ёрдами билан Ҳайдарободда қурилган фармацевтика заводини кенгайтириш ишлари ҳал қилувчи босқичга кирди. Лойиҳага кўра, завод 1981 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириши керак. Ҳозир бу завод ҳар йили 2 минг тонна дори-дармон ишлаб чиқармоқда. У мамлакатда тайёрланаётган жамики дори-дармонларнинг 35 процентини ишлаб чиқараётган энг катта фармацевтика корхонаси ҳисобланади.

6 мингдан кўп ишчи ва хизматчи ишлаётган Ҳайдаробод заводи Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигида қад кўтарган энг катта объектлардан бири. Бу заводнинг қурилиши Ҳиндистонда миллий фармацевтика саноатининг пойдеворини яратишга, ғарб фармацевтика компанияларининг Ҳиндистон бозорларидаги тазйиқига қарши туришига, ўн миллионлаб ҳиндларни арзон ва юксак сифатли дори-дармон билан таъминлашга ёрдам беради.

Ҳиндистонда фармацевтика саноати Совет Иттифоқи билан мустаҳкам ҳамкорликда ривожлантирилмоқда. СССРнинг ёрдами билан Ҳайдарободдаги заводдан ташқари яна Ришикешда антибиотиклар заводи, Мадрасда хирургия асбоблари заводи қурилди. Совет Иттифоқи шу корхоналар учун зарур кредит ва асбоб-ускуналарни етказиб бериб, шу билан бирга ишлаш учун малакали кадрлар ҳам тайёрлади.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 7 апрель. (ТАСС). Ўқишма Штатлар Эронга нисбатан дўқ-пўписа кампаниясини кучайтириб бормоқда. Оқ уй расмий ходимининг айтишича, президент Ж. Картер «24 соат ичида» Эронга нисбатан жазо чораларн жорий этилишини эълон қилади. «Нью-Йорк таймс» газетасининг маълумотларига кўра, бу чоралар Эрон билан савдо-сотиқни батамом тақиқлашни ўз ичига олади. Си-би-Эс телекомпаниясининг хабар қилишича, айни маҳалда президент АҚШдан Эроннинг ҳамма дипломатларини чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Вашингтондаги Эрон элчихонасини ҳамда Америкаиинг турли шаҳарларидаги бир қанча консулхоналарини ёпиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиши кутилмоқда.

Матбуотнинг хабарларига кўра, Оқ уй Эрони ҳарбий денгиз қамалига тутиш тўғрисидаги масалани ҳам яна кўриб чиқмоқда. Эн-Би-Си телекомпаниясининг билдиришича, «бу чора кейинроқ амалга оширилса керак».

Эй-Би-Синииг Оқ уйдаги мухбири АҚШнинг Эронга қарши иқтисодий ва сиёсий чораларига «бу мамлакат билан дипломатик муносабатларни батамом узиб қўйиш қўшилиши мумкинлигини» хабар қилиб, расмий кишилар келажакда «ҳарбий куч» қўлланиш ҳам бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар, деб таъкидлади.

ЮПИ информация агентлигининг хабар қилишича, расмий кишилар бу чоралар «илгари режалаштирилганидан қаттиқроқ» бўлади, демоқдалар. Жумладан, «Вашингтон пост» газетаси «Эронга қарши чоралар қаттиқлаштирилмоқда», деб ёзади. Шу муносабат билан АП агентлиги шанба ва якшанба кунлари АҚШнинг давлат департаментида ва Оқ уйда «АҚШ давлат секретари С. Вэнс бошчилигида ҳукумат ташқи сиёсий экспертларининг» Эрон масаласига доир шошилинч кенгаши бўлиб ўтганлигини таъкидлайди.

Си-Би-Эс телекомпаниясининг Оқ уйдаги мухбири Америка-Эрон муносабатларида давом этаётган танглик сабабидан ҳозир Вашингтондаги кайфиятни таърифлаб, «маъмурияттинг Эронга нисбатан сабр-тоқати битмоқда», деди.

Бу ерда Вашингтон Эронга қарши чоралар кўрилаётганлигини эълон қилиш билан бирга, ғарбдаги иттифоқчиларини ана шу чораларни қўллаб-қувватлаб, Эрон билан дипломатик муносабатларни бузишга мажбур қилиш мақсадида уларга таъсир кўрсатиш кампаниясини авж олдириб юборишни ҳам кутишмоқда. Бу билан улар Картер маъмуриятининг Исломга қарши ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган бўладилар.

НЬЮ-ЙОРК, 7 апрель. (ТАСС). ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, Американинг Арабистон денгизидаги авианосецларидан бири «Коралси» мосини бориб кўрган сенаторлар группаси Эрон соҳилларида йиғилган АҚШ қуролли кучлари шахсий составининг «жанговар тайёрлигига юксак баҳо берди». «Улар муттасил машқ қилиб турибдилар»,— деди жумладан сенатор Ж. Байден,—«шундай ҳолатда турибдиларки, уларга қараб, яқин 4—5 соат ичида ҳаракатга келсалар керак, деб ўйлайсан, киши».

Офицерлар составн «президент Картер ҳеч бир чора кўрмаса гаровга ушлаб турилганларни озод этиш масаласи ҳамон иозиқлигича қолаверишига тобора ишонишмоқда», дейишди сенаторлар. Улар «Эронга конкрет жисмоний таъсир кўрсатиш чораларини кучайтириш бирдан-бир восита» эканлигига ишонадилар. Америка офицерлари «Эроннинг нефть объектларига ҳаводан зарба беришни ёки Эроннинг электр станцияларини бомбардимон қилишни» шундай чоралардан деб атадилар.

Маълумки, Ўқшма Штатлар Эрон билан муносабатлардаги тангликни баҳона қилиб, Арабистон денгизида ҳарбий денгиз кучларини зўр бериб кўпайтирмоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда Американинг 30 га яқин кемаси, шу жумладан, иккита авианосеци турибди. Бу кемаларда Эронга қарши десант операцияларига тахт турган бир неча минг денгиз пиёдалари, шунингдек 150 дан ортиқ қирувчи-бомбардимончи ва ҳужум қилувчи самолётлар борки, улар учун матбуотнинг хабар қилишича, Пентагон Эрон территориясида ишлатиш белгилаб қўйган.

ПАРИЖ, 7 апрель. (ТАСС). АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг «Констеллейшн» авианосеци бошчилигидаги оператив группаси Тинч океанга боряпти. Ҳинд океанининг ғарбий қисмига келди. Франс-пресс агентлиги бугун шу ҳақни маълум қилди. Агентлик айтидан Америка кемаларининг бу оператив группаси АҚШнинг ҳозир Арабистон денгизида турган катта ҳарбий денгиз эскадрасига бориб қўшилса керак, деб таъкидлади.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

«Партия XXII съезди» колхозининг «кумуш толаи ижодкорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 400 кути ипак қурти парвариш қилиб, давлатга 20 тонна пилла етказиб бериш мажбуриятини олишган. Шу кунларда хўжаликда тутзорларга, янги ўтқазилган кўчатларга ишлов берилмоқда.

— Инкубация хоналари тўлиқ ремонтдан чиқариб қўйилди, — дейди колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи Болтабой Муратов. — Пиллачиларимизга етарли миқдорда сўкчаклар, асбоб-ускуна, ёқилғи ҳам етказиб берганмиз. Қуртхоналарни дезинфекция қилиш бошлаб юборилган.

Колхозда ёш пиллачилар мактаби ҳам ташкил этилган.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон райони.



Бекобод районида механизатор кадрлар тайёрлашга катта эътибор бериляпти. А. Мавлонов номли совхозда жойлашган 158-қишлоқ ҳунар-техника билим юртини ҳар йили тугаллаётган юзлаб йигит-қизлар район хўжаликларидаги дала гвардиячиларн сафини тўлдиришмоқда. Суратда: билим юртн мастери М. Отақулов талабаларга трактор тузнлишини гапириб беряпти.

М. Қорабеков фотоси.

ПИСКЕНТ РАЙОНИДА ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

РАЙОН маданият уйида доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда мактабларнинг бадний ҳаваскорлик коллективлари иштирок қилдилар. Доҳийни мадх этувчи шеър ва қўшиқлар янгради. Айниқса, Д. Ҳамроева, Н. Исроилова, Б. Тошхўжаева ва Д. Расулова каби ёшлар кечанинг қизиқарли ўтишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

«ТЕЗ ЁРДАМ» ХИЗМАТИ

МЕҲНАТКАШЛАР саломатлигини сақлаш мақсадида район шифокорлари аҳолига намунали медицина хизмати кўрсатаётирлар. Бу борада, айниқса, «Тез ёрдам» бўлими хизматчиларининг амалга ошираётган ишлари диққатга сазовордир. Бўлимда 8 та машина мунтазам ишлаб турибди. Жонкуяр шифокорлар беморларга ўз вақтида биринчи медицина ёрдами кўрсатаётирлар.

Бу ерда 4 нафар малакали врач, 23 нафар фельдшер ишлайди. Улардан А. Назаров, З. Гизатуллина, Н. Ботирова, А. Боймаков ва Ю. Пак кабилар бошқаларга ўрнак бўлишаётир.

А. МАЛЛАХЎЖАЕВ.

ЯНГИ НАЦИЗМНИНГ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН ХАВФИГА ҚАРШИ

БОНН, 8 апрель. (ТАСС). ГФР демократик кучлари янги нацизмнинг кучайиб бораётган хавфига қарши кенг курашни авж олдириб юбордилар. Уларнинг ташаббуси билан 10—11 май куни Мангеймда гитлерчилар Германияси устидан галаба қозонилганлигининг 35 йиллигига бағишланиб, фашизмга қарши конгресс бўлиб ўтади. Конгресс янги нацизмга қарши, қуролланиш пойгаси ва НАТОнинг ракета-ядро планлари амалга оширилишига қарши кураш шиорлари остида ўтади.

«Нацист ҳукмронлигидан халқимиз батамом озод бўлган кунга 35 йил тўладиган 1980 йилнинг 8 майи биз учун янги фашизм хавфи ошиб бораётганлиги ҳақида бор овоз билан маълум қилишга, унга ҳукумат ва парламентларнинг диққатини жалб этиш, ГФР маъмурларидан мамлакатда ҳар қандай нацистлар фаолияти ва пропагандасини конституция йўли билан бутунлай тақиқлашни амалга оширишни талаб қилиш учун асос бўлади»,— дейилади конгресс ташкилотчиларининг чақиригида.



ВЕНГРИЯ. Будапешт шинг кўрки йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Бу ерда замонавий янги турар-жой массивлари анча кўпайди. Суратда: Уйпалотн массивининг манзараси.

МТИ—ТАСС фотоси.

ҚЎЙ-ҚЎЗИЛАР КЎПАЯДИ

ТАШАББУСКОРЛАР ИЗИДАН

ПОЙТАХТ областимизда кишини мафтун этадиган ажойиб манзарали ва шифобахш жойлар оз эмас. Бўстонлиқнинг Унашақсой, Чумчақсой, Бедарсой, Қорахотинсой сингари тоғ оралиқларига жойлашган бағри кенг яйловлар табиий гўзаллиги, баҳаволиги билангина эмас, озуқага бой ўтлоқ сифатида ҳам чорвадорларни ҳамиша мафтун этиб келмоқда.

Фрунзе номли колхознинг 28 отаридаги 15500 бош қўй ана шу кенг яйловларда боқилади. Ҳозир яйловлардаги қўраларда иш ниҳоятда қизғин. Чўпонлар учун жуда масъулияти давр бошланган. Қўйлар бирин-кетин қўзилаб турибди. Янги туғилган қўзиларни қаровсиз қолдириб бўлмайди. Чўпоннинг ёлғиз ўзи бу ишларни бажаришга улгурмайди. Шуни ҳисобга олиб колхоз правлениеси ёрдамчилар ажратиб берган. Улар ҳозир чўпонлар билан ҳамкорликда ишламоқдалар.

Колхоз чорвадорлари ўтган йили 6400 совлиқнинг ҳар 100 бошидан ўрта ҳисобда 107 тадан қўзи, ҳар бир қўйдан 2,8 килограммдан ингичка толали жун қирқиб олиб, қўйларнинг тирик вазнини пландаги 44 килограмм ўрнига 52,8 килограммга етказиб гўштга топширган эдилар.

Давлатга сут, гўшт, жун, пилла сотиш планлари анча ошиғи билан ado этилган. Шу туфайли колхоз фақат чорвачиликдан 108,6 минг сўм соф фойда олган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг область партия комитетига, область ижроия комитетига чорвачилик соҳасида эришилган муваффақиятлар муносабати билан йўллаган Мактубидан руҳланган ҳўжалик аъзолари ўтган йил ютуқларини мустаҳкамлаш, янги марраларни эгаллаш мақсадида зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар.

— Ўтган йили жами 6881 бош қўзи олинган бўлса, бу йил чорвадорларимиз ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан, жами 7 минг бош қўзи олиш учун курашмоқдалар,— дейди колхоз раиси Фозил Вазов.— Бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун кузда совлиқлар ўз вақтида қочирилди. Уларни қўзилаш давригача семиз ҳолда сақлаш учун зарур тадбирлар кўрилди. Чорва қишлови намунали ўтказилди. Қўраларда қўзилаш ҳам аста-секин шу усулга ўтмоқдалар. Бу йил Ҳайдарбек Кушкинбоев билан Турдимат Туроббеков бошлиқ икки отарда эрта қўзилатиш амалга оширилди. Натижа ёмон бўлмади.

Ҳайдарбек Кушкинбоев колхознинг илғор чўпонларидан. Турдимат Туроббеков эса Ҳайдарбекнинг издоши. Бу илғор чўпонлар эрта қўзилатиш усулини колхозда биринчи бўлиб бошлаб берганлар. Ҳайдарбек Кушкинбоев 400 совлиқнинг ҳар юз бошидан 112 тадан, Турдимат Туроббеков 125 тадан қўзи олиб, ҳозирча энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларида чорвачиликни жадал ривожлантириш учун энг аввало мол туёғини кўпайтириш лозимлиги алоҳида уқтирилган. Колхоз чорвадорлари бу муҳим вазифани чуқур ҳис этиб, қўйлар сонини бу йил пландагидан 500 бош кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олганлар. Шунга кўра йил охирида колхозда қўйлар сони 16 минг бошга, қорамоллар сони 790 бошга етказилади.

Б. ҲАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ 70 ИЙЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

ИЛҲОМ САРЧАШМАСИ

Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим.
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламоқлик зўр саодатим.

Бу сатрлар яқинда 70 йиллик юбилейи бутун мамлакатимизда нишонланадиган, юртимизнинг оташнафас шоири, халқимизнинг ардоқли фарзанди Ҳамид Олимжон қаламига мансубдир. У ҳаётдан жуда ёш кетди. 33 ёшли шоирни кутилмаган фалокат бағримизда юлиб олди. Лекин унинг ёркин сиймоси, халқимиз қалбида абадий муҳрланган. Унинг шеърлари, балладалари ва достонларидан иборат бой адабий меросисиз ўзбек совет адабиётининг бебаҳо дурдоналари хазинасини тасаввур этолмаймиз.

Ҳамид Олимжон—истеъдодли шоир, актив жамоат арбоби, моҳир таржимон ва катта адабиётшунос олим эди. У адабиётимизнинг бобокалони Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларида бош-қош бўлибгина қолмай, буюк даҳо ҳаёти ва ижодини ўрганишда, у қолдирган адабий меросинг нашр этилишида актив қатнашди. А. Навоий ижодини чуқур ўрганиш Ҳамид Олимжонга илҳом манбаи бўлди.

Алишер Навоий туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан унинг адабий меросини ҳар томонлама ўрганиш ишлари қизиб кетди. 1938 йилларда республика пойтахти Тошкентда юбилей комитети ташкил этилди. Ҳамид Олимжон дастлаб юбилей комитетининг илмий секретари, 1940 йилдан бошлаб Навоий юбилей комитети раисининг ўринбосари сифатида ишлади. Юбилей муносабати билан унинг ижоди бўйича талайгина илмий ишлар майдонга келди.

Ҳамид Олимжон Алишер Навоий ижодини уч йўл билан ўрганди. Навоий ижодини ўрганишнинг биринчи йўли — улуғ шоир асарларини тўплаш, уни ўрганиш, рус ва бошқа қардош халқлар тилига таржима қилиш, ҳаёти ва ижодини кенг халқ оммасига манзур қилишдир. Бу вазифаларни бажаришда Ҳамид Олимжон юбилей комитетининг актив иштирокчиларидан бири, олим ва шоир сифатида баракали хизмат қилди. Навоий ижодининг оригиналлигини инкор қилиб келган реакцион назарияларни фош этувчи, улуғ шоир асарларининг мустақил, ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи мақолаларини яратди.

Шоир қўлёзмалари орасида Навоий асарлари устида олиб борган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида қимматга эгадир. Ҳамид Олимжоннинг «Адабиётимизнинг буюк асос қурувчиси» номли мақоласи олиб кўрайлик. Шоирнинг архивида кўрсатилишича, бу материални Ҳамид Олимжон Навоий юбилейи комитетининг биринчи пленумида доклад қилган. Доклад алоҳида сарлавҳалар билан ажратилган бўлиб, 39 бетдан иборат: «Навоий ва халқ», «Адолат темаси», «Муҳаббат ва дўстлик», «Меҳнатни куйлаш», «Ватанпарварлик» каби сарлавҳаларга ажратилади. Ҳар бир сарлавҳанинг мазмунини қисқача бўлсада очиш учун Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», «Муҳокамат-ул-луғатайн», «Вақфия» достонларидан; Хондамир, Бобир, Восифийнинг «Бадое- ул-вақоё» каби асарларидан кўп фактик материаллар келтиради. Белинский, Пушкин, Горький-лардан фикрини тасдиқловчи цитаталар олиб, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқроқ маълумот беради. Доклад илмий ва оммабоплиги билан навоийшуносликни тарғиб қилишда катта аҳамиятга эгадир. Ҳамид Олимжон Навоийга бағишлаб йитирмадан ортиқ мақола ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Навоий ижодини ўрганишнинг иккинчи йўли, улуғ шоирнинг асарларини тўплашни давом эттириш ва оммалаштириш ишларини жадаллаштиришдир. Шу муносабат билан Ҳамид Олимжон Навоий ижодини янада чуқурроқ ўрганди, уни қайта-қайта мутолаа қилди. Навоийнинг салафлари, замондошлари ва издошлари асарларини Ғарб ва қардош халқлар адабиётига ҳам жиддий ёндошди, асарларини пухта ўзлаштирди. Бу Ҳамид Олимжонни лирик шоир даражасига кўтаришга ҳам таъсир қилмай қолмади.

Ҳамид Олимжон шоир сифатида Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўлини талқин ва тарғиб этди. Бу жиҳатдан қараганда шоирнинг қуйидаги мисралари характерли:

...Фузулийни олдим
қўлимга,
Мажнун бўлиб йиғлаб
қичқирдим.
Ба Навоий тушиб
йўлимга,
Фарёд билан ўрнидан
турдим.

Ҳамид Олимжон шоирларга қайғудош бўлиб қолмади, балки ўтмиш ва ҳозирги замонни таққослади. Қуллик ва мусибатдан, қайғу ва аламдан абадий озод бўлган бахтиёр совет халқини кўрди, у билан ҳамнафас бўлганидан беҳад ҳурсанд бўлди. Шодлик ва бахтни куйлашнинг боиси шунда деб билди.

Дарҳақиқат, эркин ижодкор бундан ортиқ бахтни куйлаши мумкинми?

Алишер Навоий ижодидаги юксак, бадиий дид, фикрий теранлик, соф ва самимий муҳаббатни ардоқлаш, аруз вазнида шеърлар яратиш, ғазаллар битиш Ҳамид Олимжон шеърияти учун ҳам ҳосдир.

«Ғунча янглиғ бурканиб кўнглинг очилмайди нега», «Не бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам» каби мисралар билан бошланадиган ғазаллари, «Бахтимиз тарихига», «Ингит» каби шеърлари бунга мисол бўла олади. Бундай шеърлар шоир ижодининг катта қисмини ташкил этмаса-да, мазмун бойлиги, бадиий баркамоллиги, жозиба куч ва услуб соддалиги бўртиб турадики, бу ҳайратомуз асарлар кишига чексиз эстетик завқ бағишлайди. Табиийки, Ҳамид Олимжон қалбида аруз вазнида шеър яратиш ишқини пайдо қилган кучлардан бири — Навоий даҳосига бўлган ихлос, уни ўқиш, ўрганишдир.

Навоий ижодини ўрганишнинг учинчи йўли — тадқиқотчилик Ҳамид Олимжонга янги достон яратиш учун илҳом бахш этади. Жаҳон адабиёти тарихида икки ёш қалбнинг пок ва отошин севгиси ҳақида ёзилган асарлар анча. Шулардан «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ромео ва Жульетта», «Тоҳир ва Зуҳра», «Юсуф ва Зулайҳо» каби бадиий дурдоналарни эслашнинг ўзиёқ, бу мавзу барча замонлар ва асрлар ёзувчиларининг ижодида нақадар кенг ўрин олганлигини кўрсатади. Бу асарларда икки ёш қалб севгисини поймол этган қадимги ҳаётнинг фожиаси, «одам, одам учун бўри» бўлган жамиятдаги инсон қисмати ҳақида сўз боради.

Ҳамид Олимжон эса совет даврининг шоиридир. Унинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида буюк куч—инсоний гўзаллик жамол кўрсатган замонининг, шод ва бахтиёр совет ёшлари ҳаётининг пафоси куйланади. Ҳамид Олимжон традицияларини ва новаторлик йўлидан бориб, социалистик муносабатлар жараёнида янгиликларнинг эскилик сарқитлари устидан ғалабасини ифодалайди. У тасвирлаган муҳаббат «Лайли бошига келтирган қаро кунларда» эмас, «Ширин бахтини поймол этган ул қаро тунларда» эмас, балки тенглик барқарор топган даврда, тиниқ ва жўшқин Зарафшон бўйларида содир бўлади.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида Лайли ва Мажнунинг дугоналари образи орқали феодализм исканжасида ички ва ташқи зулм-ситамларига дучор бўлган аркси, ҳуқуқсиз қизларнинг бахти қароғлигини реал тасвирлаган бўлса, Ҳамид Олимжон эса Зайнаб, Ҳури, Нури, Саври, Сора, Рухсора каби бахтиёр совет қизларининг тенг ҳуқуқли, эркин ҳаёти, колхоздаги ижодкор меҳнати, маданий турмуши, саодатини тараннум этди.

Зайнаб Лайлига ўхшаб қайғу-аламларнинг асири эмас, у социализм барқ урган жамиятнинг вакили. Ундаги ишқ изтироби колхоз даласининг эркин меҳнат нашидаси ва хушчақчақ қизларнинг қувноқ гурунги билан алмашинади.

Ҳамид Олимжон драматик лавҳалар орқали катта ҳаёт ҳақиқатини умумлаштирди. Достонда совет рактеридаги камтаринлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, поклик, самимийлик каби ижобий хислатлар уни мафтун қилади. Демак, пок ва самимий севги мол-дунё, мансаб ёки ҳуси билан ўлчанмайди, балки маънавий гўзаллик икки қалбнинг бир-бирига пайвандлиги билан боғлиқдир.

Ҳамид Олимжон «Зайнаб ва Омон» достонини яратиш жараёнида Навоийнинг услубидан, поэтик маҳоратидан баҳраманд бўлди. Агар Навоий:

Кўрмагай эрди жамоли
олам аро кошки,
Солмагай эрди бари
оламда ғавғо кошки, —

каби сатрларни яратса, Ҳамид Олимжон Зайнаб тилидан қуйидаги мисраларни яратди:

Кошки сени кўрмагай
эдим,
Тушмагайди кўзга
оташинг.
Яшар эдим беташвиш
ва жим,
Юрагимни ёндирмас
ғашинг.

Навоийда Лайли билан Мажнуннинг саҳрода учрашиши қуйидагича тасвир этилади:

Бир соғар тушуб икки
мул,
Бир ғунча аро бутуб
икки гул.
Бир жисмда икки руҳ
ўлуб гум,
Бир кўз орасида икки
мардум.


Ҳ. Олимжон достонида Зайнаб билан Омоннинг висол оқшоми зўр бадиий маҳорат билан куйланади:

Икки кўзинг қорачуғида,
Бутун олам топмишди
макон.
Икки қалбнинг қизғин
чўғида
Бутун олам эди
чароғон.

Бундай мисолларни Ҳамид Олимжоннинг мазкур достонидан ва катта-кичик ҳажмдаги бошқа асарларидан ҳам келтириш мумкин.

Ўзбек адабиётининг йирик арбоби, бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон чиндан ҳам Навоий анъаналарини янги асосларда, социалистик реализм негизида давом эттириб мустақил асар яратди.

Санда НАРЗУЛЛАЕВА,
филология фанлари кандидати.



Боғларни ҳам забт этди баҳор,
Жажжи болаларинг лабида ханда.
Яшариш фаслининг ажиб гашти бор,—
Жим туриб бўлмайди баҳор келганда...

С. Икромов фотоэтюди.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
ПРОГРАММАДА:
«ШЕРЛАР ОРАСИДА»
(Бербер шерлари)
ЙИРИК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ
Ургатувчи — цирк санъатининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти Борис БИРЮКОВ.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 да ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1980—81 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сувоқчи-бўёқчи-плиткачи, бульдозерчи, скрейперчи, прицепли грейдер машинисти, автомобиль ремонти бўйича слесарь (техника билим юртини тамомлагач, автослесарлар база ташкилоти ҳисобидан «С» категорияли профессионал ҳайдовчи правосини олиш учун ДОСААФ-га ўқишга юборилади), слесарь-сантехник, автомобиль кранн машинисти «С» категорияли профессионал ҳайдовчи правоси ҳам берилади.

Билим юртига 8—10 синф маълумоти бўлган 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник ихтисосидаги ўқувчиларга 65 сўм ҳажмида стипендия, қолганларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади ёки уч маҳал бепул овқат берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади-лар.

Техника билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидагилар лозим бўлади: директор номига ёзилган ариза, автобиография, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина (286- ёки 9-форма), яшаш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (4х5 см.).

Бизнинг адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбус, 48-автобуснинг «Лабзак» бекати). Телефон: 41-38-22.

ҚАЛАМКАШЛАР СУҲБАТИ

Республикамизда Озарбайжон шаҳар ва район газеталарининг редакторларидан иборат бир группа журналистлар меҳмон бўлиб турибди. Кеча қардош республика журналистлари «Совет Ўзбекистони» редакцияси меҳмони бўлишди. Газета редактори М. Қориев икки республика қаламкашлари ўртасидаги алоқалар, республикамизда ўтказилаётган Озарбайжон кунларига кўрилаётган тараддуд ҳамда газета фаолияти ҳақида гапириб берди. Сўнгра меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг цехларида бўлишди.

Озарбайжонлик журналистлар Оржоникидзе район «Коммунизм тонги» газетаси иш фаолияти билан ҳам танишдилар.

ДЎСТЛИК МУШОИРАСИ

Бугун Тошкентда Ўзбекистон ёзувчилар Союзи правлениеси ва «Литературная газета» редакцияси ташаббуси билан «Биз—совет халқимиз» мавзуида ёзувчиларнинг «Думалоқ стол атрофида» учрашуви бошланади. Совет Иттифоқининг турли бурчакларидан келган шоир ва адиблар билан бирга «Литературная газета»сининг журналистлари уч кун давом этадиган ўзига хос анжуманга тўпландилар. Улар орасида А. Дементьев, Л. Васильева, Е. Исаев (Москва), И. Драч (Киев), И. Абашидзе (Тбилиси), Д. Кугультинов (Элиста), Г. Имомвердиев (Боку), Ф. Ниёзий, Г. Сафиева (Душанба), А. Токомбаев (Фрунзе), И. Юсупов (Нукус), А. Алимжонов (Олмаота) каби шоир ва ёзувчилар бор.

Учрашув қатнашчилари «Думалоқ стол атрофида»ги суҳбат-мунозара тугагач, «Баҳор» концерт залида интернационал шеърият кечасида иштирок этадилар. Сўнгра Ўзбекистонга ташриф буюрган қалам соҳиблари колхоз ва совхозларда меҳмон бўлишиб, уста пахтакорлар, чорвадор ва сабзаводчиларнинг ишлари билан яқиндан танишадилар.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЖАНГЧИЛАР ЖОНИГА МАЛҲАМ БЎЛИБ



Очил ака қоғозлар орасидан бир расмни олиб олдимизга қўйди.

— Ўша йиллардан хотира, — деди у кулиб. — Қаранг, у пайтлар ёш, норғул йигитлар эдик. Энди эса кўз хиралашиб, қулоқ оғирлашиб қолган.

Расмда тўрт-беш ҳарбий бизга боқиб турарди. Олдинда медицина хизмати майори Очил Хўжаев. Атрофида эса медсанбатдаги бошқа ҳамкасблари.

— Мана буниси командиримиз Гутин. — таништирди у расмдагиларни. — Ёнидагиси эса Султон Умаров. Асли бекободлик эди. Бирга олис йўлни босиб ўтганмиз.

Ҳа, Очил ака босиб ўтган йўлнинг ўлчови йўқдек. Инкилоб ғалаба қозонганида у темир йўлда қора ишчи эди. Кейин Ўрта Осиё Коммунистик университетининг ишчилар факультетини тамомлади. Ўша йилиёқ Москвага йўлланма олди. Чамаси ўқишга иштиёқи баланд, зеҳни ўткир бўлган эди. Москва Давлат Университетида олти йил таълим олди. Врачлик дипломи билан ўша ерда ишга қолди. Малакасини ошириб кейин Ўрта Осиё томон йўл олди. Душанбе, Тошкент, Ленинобод шаҳарларида кўп йиллар фидокорона меҳнат қилди. У ўзбеклар орасидан чиққан биринчи жарроҳ эди. Шу боисдан ҳам тезда оғирга тушди...

Уруш бошланганида Очил ака Тошкентда медицина-санитария бўлим бошлиғи эди. Дастлабки куниёқ у ўзини фронтга сафарбар деб ҳис этди. Фронт госпиталлари, ҳарбий санитария бўлимлари ташкил этишда қатнашди. Ҳаракатдаги армия сафида аста-секин ғарб томон силжиб бораверди.

Украина, Белоруссия, Польша, Чехословакия... Уруш йиллари Очил ака кўрмаган шаҳарлар қолмади. Қуролдош дўстлари билан Москвадан Прагагача бўлган йўлни шараф билан босиб ўтди.

— Бизнинг 224-медицина-санитария батальонимиз 13-армия составида доимо ҳужум чизиғи олдида турарди, — деб эслайди Очил ака. — Жангларда яраланган солдат ва офицерларга биринчи медицина ёрдами кўрсатиш бизнинг зиммамизга юкланган эди. Очиқ далаларда, ўрмонзорларда ўрнатилган чодирларда ўқ ёмғирига қарамай, мураккаб операцияларни бажарардик. Операциялар пайтида душман биз томон ҳужум қилиб қоларди. Шунда медицина ходимлари, ҳамшералар дарҳол қўлга автоматни олиб беморларни ҳимоя қилишга киришардилар. Донбасс яқинида худди шундай бўлди. Бизнинг қисмимиз ўрмонзорда тўхтади. Тунда снаряд гилзаларига ёғ қуйиб, унинг ёруғида операция қилардик. Душман пайқаб, биз томон ўт очди. Тенгсиз жанг бошланди. Тонгга яқин душман чекиниб шифокорлар яна ўз қисмларига қайтишди.

Шундай жангларнинг бирида Очил ака кучли портлаш зарбидан контузия бўлиб қолди. Медсанбат раҳбарлари уни фронт чизиғидан анча ичкарига, даволанишга юборишмоқчи бўлишди. Лекин Очил ака кўнмади. Чунки бу ерда жарроҳлар сув билан ҳаводек зарур эди. Ярадорлар ҳар соатда келиб турибди. Уларни зудлик билан операция қилиш, таналаридаги ўқ парчаларини олиб ташлаш керак. Йўқса, жангчи бир умр мажруҳ бўлиб қолишини Очил ака қалбдан сезарди. Шу боисдан ҳам у медсанбатни тарк этмади, яна ҳамкасблари сафида қолди.

— Мана булар ўша йилларда батальонимиз шифокорлари қилган операциялар тафсилоти, — Очил ака стол устига тўрт букланган қоғозни ёзиб қўйди. Унда канча ярадор қабул қилингани, операциядан сўнг канчаси яна жангга кироғани ҳақида тўла маълумот берилган эди.

224-медицина-санитария батальони шифокорлари уруш йилларида 15,5 мингдан ортиқ хирургия операцияларини ўтказишди. Бу операцияларнинг бир қисмини Очил ака бажарди. Унинг қўлида шифо топган юзлаб аскарлар яна жангга кирди. Ярадорларни асраб қолишда кўрсатган хизматлари учун медицина хизмати майори Очил Хўжаев ўша йиллари икки марта Қизил Юлдуз ва иккинчи даражали Ватан уруши орденлари, кўплаб жанговар медаллар билан тақдирланди. Бу нишонлар кекса жарроҳга жангу-жадал йилларини кечагидек эслатиб туради.

Очил ака ғалабани Прагада кутиб олди. Урушдан кайтгач яна кўп йиллар эл саломатлигига посбонлик қилди. Ҳозир у пенсияда. Фарзандлари, набиралари даврасида ўзини ғоят бахтиёр ҳис этади. Уларни деб неча йиллар қон кечди, жон бериб жон олди. Энди у кундан орқада. Ҳозир хонадони обод, ҳамма фарзандлари ўзидан тинган. Катта қизи Тўлқиной медик, Сорахон инженер-гидролог, Севгихон эса олима. Ўғиллари Фарҳод ва Тоҳир ҳам зарур касбларнинг бошини тутишган.

Шанба, якшанба кунлари Очил отанинг хонадони фарзандлари, набиралари билан гавжум бўлади. Кечагида улар йиғилишиб, ота юбилейини ўтказиш режасини тузиб олишди. Ҳадемай Очил ота 80-баҳорни қаршилайди.

— Қани энди юз йил умр кўрсанг-у, лекин қаримасанг, деб қўяди ота фарзандларига мамнун боқиб. — Шуларнинг роҳатини кўриб тинч яшашдан ўзга бахт бормикан, ўзи.

Ж. НОСИРОВ.

Спорт

ДАСТЛАБКИ ИККИ ОЧКО

Мамлакат футбол чемпионатининг иккинчи турида «Пахтакор» ўз майдонида Ереваннинг «Арарат» командасини қабул қилди. Пахтакорчилар ғалабага жуда катта иштиёқ билан майдонга тушдилар. Чунки, улар аввалги турда нақт ғалабани қўлдан бой бериб, кўп сонли футбол мухлисларини ранжитишган эди. Ана шу иштиёқ, интилиш командага қўш очко келтирди, деб айтиш мумкин.

Ўйин пахтакорчиларнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. 11-минутдаёқ ҳужумчи Нуриддин Амриев ҳисобни очиш имкониятига эга эди. У қанотдан оширилган тўпни тўхтатмай зарб билан дарвозага йўналтирди. Тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Шундан кейин кетма-кет ҳужумлар уюштирилиб турилди. Лекин ўйиннинг биринчи ярми натижасиз тугади. Иккинчи таймда пахтакорчилар яна ҳужумга зўр бердилар. Ўйиннинг 61-минутида меҳмонлар ўз жарима майдонлари яқинида қўпол ҳаракатлар билан ўйин қоидасини бузишди. Иккинчи таймда ўйиндан чиқиб кетган Кухлевский ўрнига майдонга тушган Церетели жарима тўпини зарб билан дарбозага йўналтирди. Меҳмонлар дарбозабони Татевосян бу тўпни қайтаришдан бошқа илож топа олмади. Тўпга биринчи бўлиб «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиси Низом Нортожиев етиб келди. У осонгина гол киритиб, ўз командасини олдинга олиб чиқди.

Футболчиларимиз ҳисобни яна ошириш имкониятига эга эдилар. Бироқ, уюштирилган ҳужумларни охирига етказишда бироз шошма-шошарлик яққол сезилиб турди. Қолаверса, ўйинчилар ҳали техник жиҳатдан у қадар мукаммал ўйин кўрсата олмадилар. Тўп узатишда жуда кўп ҳатоликларга йўл қўйилди. Ана шундай фикрни рақиб футболчилари адресига ҳам айтиш мумкин. Шундай бўлса-да, ўйин тугашига саноқли минутлар қолганда пахтакорчилар шиддатли ҳужумлар уюштиришди. Ҳужумчилардан бирининг бошқа бирлан дарбоза томон йўналтирган тўпи яна тўсинга тегиб қайтди.

Кўп сонли футбол мухлислари стадиондан қувноқ кайфият билан қайтдилар. Улар бу йилги мавсумда биринчи марта футболчилар билан ғалаба гаштини суришди.

Шу куни яна саккиз шаҳарда футбол чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Энг йирик ҳисоб Бокуда қайд қилинди. Маҳаллий «Нефтчи» командаси ўз майдонида Минск динамочиларига 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Иккинчи турда ҳужумчиларнинг анча фаол иштирок этганликлари кўриниб турибди. Агар аввалги турда бир йўғи дарбозаларга 13 марта тўп киритилган бўлса, бу сафар голлар сони 22 тага етди. Ана шу тўпларнинг учтасини Тбилисида «Динамо» командасининг ҳужумчиси Челебадзе киритди. Динамочилар ўз майдонида Олмаотанинг «Қайрат» командаси устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Дарвоқе, Челебадзе икки турдан сўнг энг маҳсулдор ўйинчи ҳисобланади. У рақиблар дарвозасини 5 марта ишғол қилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Кубань» — «Локомотив» — 0:0, «Шахтёр» — «Торпедо» — 2:0; СКА — «Спартак» — 2:1; «Черноморец» — «Динамо» (Москва) — 1:1; «Карпати» — ЦСКА — 1:2; «Динамо» (Киев) — «Зенит» — 2:2.

Икки турдан сўнг турнир жадвалида бир йўла олти команда 3 тадан очко тўплаб, пешқадамлик қилишяпти. Улар Киев, Тбилиси, Минск, Москва динамочилари, «Шахтёр» ва СКА футболчиларидир. Яна олти команда ҳисобида эса иккитадан очко бор. Сўнгги ўринларни ҳам активига биттадан очко ёзган олти команда эгаллаб турибди.

Навбатдаги тур ўйинларини «Пахтакор» сафарда ўтказади. Футболчиларимиз 12 апрель куни Минскда маҳаллий динамочиларга қарши майдонга тушадилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Асли болаликдан. 10.50 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 7-серия). 12.05 Киносаёҳатчилар клуби. 13.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.15 — Рус тили. 16.45 — Концерт. 17.15 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.45 — Орлёнок. 18.30 — Концерт. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ғаллага йўл. 2-кўрсатув. 20.00 — Фильм-концерт. 20.10 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 8-серия) 21.30 — Время. 22.05 — Нима? Қаерда? Қачон? 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Парвоз эт, товус.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Салом, Ральф (бадиий фильм). 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Тарих тилга кирди (телетеатр). 18.05 — Болалар учун фильм. 18.20 — Алангали йиллар хотираси. 19.15 — Ленинча альбом. 2-фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — В. И. Ленин. Поэмадан парчалар. 20.10 — Уста Салимжон. Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чигит экиш кундалиги. 22.30 — Концерт.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Ўқитувчи эҳрони. 21.20 — Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.50 — Ўқув кўрсатуви.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|IV да Инқилоб тонги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9|IV да Йиллар ўтиб., 10|IV да Зеби-Зебона.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9|IV да Можаро (19.00), 10|IV да Отасининг қизи (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10|IV дан бошлаб «Шерлар орасида» аттракционининг хайрлашув гастроллари (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 333885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 06176. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1579.